

ЭРКИН ВОҲИДОВ - ДОСТОННАВИС

Ҳ. Мирхайдаров

Гулистон давлат университети

E-mail: mirhaydarov-h@inbox.uz

Ўзбек шеърятининг осмонининг забардаст ва оташин шоири Эркин Воҳидов лирик, драматург, таржимон, достоннавис ижодкордир. У ўзбек шеърятига янгича пафос, янгича тўлкин, услуб. ранг-баранг равию олиб кирди, лириканинг чексиз имкониятларини кашф этди. Ижодининг маҳсулдор қисмини, асосан, лирик шеърят ташкил қилса-да, достон жанрида ҳам жиддий, салмоқдор асарлар яратди. Ўндан ортиқ достон унинг қаламига мансуб. Тўғри, дастслабки достонлари давр мафкурасидан баралла озод бўлган эмас. Шоир яшаб турган даври, муҳити, замона зайлидан ўзини четга ололмасди. “Буюк ҳаёт тонги”, “Чарағбон” каби достонларда давр ва даврнинг сиёсий арбобларини мадҳ қилиш, ҳаёт ҳақиқатидан узилиб қолган ўта муболагавий, яшасинчилик кайфиятидаги воқеаларни қаламга олгани сир эмас. Шу билан бирга ижодининг чўккиси, фалсафий-ҳаётий қарашларининг муайян якуни, достоннависликда қўлга киритган ютуқларининг гултожи бўладиган достонлар ҳам битди. “Рухлар исёни”, “Истамбул фожиаси” бунинг яққол мисолидир. Биз ушбу мақоламизда қаҳрамонлик, фалсафий, фожиавий достон “Рухлар исёни” ҳақида ўз мулоҳаза ва адабий қарашларимизни ўртага ташламоқчимиз. У сўнгги йиллар ўзбек достончилигининг янги обу хавоси, янги равию ва услубини, достончиликда ҳам даврнинг фалсафий, фожиавий тамойилларини юксак пафосда ифодалаш имконияти чексиз эканлигини исботлади.

“Рухлар исёни” достонида оташин исёнкор бенгал шоири Назрул Ислон ҳаётининг тизимли ифодаси эмас, ижодининг чўкки даври, ижтимоий фаолиятининг кизгин палласи, халқ дарди, давр нидосига ўткир қаламини қаратган йиллари манба қилиб олинган. Шоирнинг эслашича, Назрул Ислон ҳаёт йўлини шунчаки биографик маълумотлар билан акс эттириш ҳаммага таниш ва ҳамма биладиган маълумотлардан иборат бўлиб қолар экан. Эркин Воҳидов чакмоқдай чакнаган шоир ҳаёти, курашчан тақдирининг бадиий тадқиқ этишга, шу аснода бадиий ижод шунчаки ҳаёт лавҳаларини ёзишдан иборат бўлмай, халқнинг дарди, орзу армони, озодлик ва эркин турмуш учун олиб борган омонсиз курашини ифодалаш, шу билан бирга шоирнинг вазифаси, халқ олдидаги ижтимоий бурчи, ҳар бир ташбеҳи китобхон шуурига уйғониш беришни қаламга олди.

Хуллас, оммани ҳаёт сўқмоқларидан тўғри йўлга бошлаш, аниқроғи, унинг йўлчи юлдузи бўлиши даркорлиги ҳам достонда акс этган. Айниқса, ижодкор элнинг юраги, башарнинг бешигини жумбўшга келтирувчи, қалқиб турган курраи заминга нажот йўлини кўрсатиши лозимлиги достонда ифодаланган.

Эркин Воҳидов шоирнинг ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўрнини ўзича ўзгача талқин қилади. Назрул Ислон ҳаёт йўли, фожиаси, ажнабий зобитларга қарши исён кўтариши, эрк талаб халқни бунга чорлаш баҳонасида, фалсафий фикрларни достонда тўкиб солади. Достон наинки қаҳрамонлик, балки фалсафий мазмун-моҳияти олган.

Шоир достоннинг муқаддимасида дунёнинг ғами ва қувончини киёслаб, ғами зиёда деган хулосага келади ва уни бадиий таҳлил қилади. Ҳаётда ғамнинг тури кўп ва ундан қутулишнинг йўл-йўриқлари ҳам бисёр. Шундай ғам-ғусса борқи, ундан қутулишнинг имкон ва иложи йўқ. Инсон жисман йўқ бўлганда ҳам бу ғусса унинг руҳида сингиб қолади. Жисми маҳв бўлса-да, руҳ яшайверади! Бу шоирнинг дилини эзган истибод, юракдан қон бўлиб сизган истеъдоднинг дардидир. Барча ғаму андуҳдан озод бўлиш мумкин, аммо шоирнинг руҳий дунёсидан мутлақ ўрин олган истибод ва истеъдод дарди кўчмас, яшовчан, у руҳ билан мангуликка дахлдордир. Шоир юраги-эл юраги, деган хулосага келади Эркин Воҳидов:

Не шоирсан
Ташбеҳларинг
Борми кераги,
Бўлмаса эл ғами-дардинг
Юрагинг- эл юраги?! (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999)

Шоирнинг тилаги-соф, армони-пок. Шунинг учун шоир башарнинг иймонидир. Юрагидаги армони башарнинг исёнидир. Шоир башарнинг дардига юрагини анор каби сиқади, юраги гупиради, аста-секин исёнига айланади. Ҳақсизликка оломон кўнади ва унга мослашиб ҳам олади, аммо шоир кўнмайди. Ҳақсизлик, адолатсизлик, зўравонлик, инсон диёнатининг поймол қилиш ҳақида шоир юрак зарби ва кони билан мисралар битеди. Шунда шоир қалби бироқ тин олади, ором топади.

Назрул Ислон ўз шеърларининг бирида “Мен қайғули бу дунёнинг нотинч қолган руҳиман” деб ёзади. Тарихдан маълумки, улкан санъаткорлар учун ўз замонида ҳам осон бўлмаган. Қанчадан-қанча виждон ва руҳий азобларга, жисмоний қийноқларга дучор бўлганлар. Рудакийнинг кўзига нил тортилди, Алишер Навоий уч мартаба ҳаж сафарига отланди, аммо руҳсат берилмади, Насимийнинг оёғидан сўйдилар. Улуғ шоир Пушкин сарой аҳли билан келиша олмай оқибат дуэльга рози-ризо бўлди, Лермонтов “Алвидо, ювуксиз Россия. Қуллар мамлакати, жаноблар мамлакати” мисраси учун 48 соат мобайнида Петербургдан Кавказ полкига сургун қилинган ва кейинчалик ҳибсга олинган. Бу қисмат ва таҳқирлардан замонавий ўзбек ижодкорлари ҳам бенасиб қолмаган. Оташнинг шоир Ғафур Ғулом ўз замонининг ғурур ва сурур билан қуйлаб ўтган, бағрикенг ижодкор сифатида таниқли эди. Ҳамма шундай деб ўйлар ва баҳолар эди. Ижодини синчиклаб кузатсангиз даврдан ўксигани, сўзларини эмин-эркин қўллай олмагани, аниқроғи, сўзлар занжирбанд бўлганини эътироф этади (Шарафиддинов, 2004):

Миллиард сатрларда занжирбанд сўзлар,
Ўзингиз шоирга юпанч берингиз.

Ва шоирлигига ишонч берингиз, дейди (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999).

Ойбек “Навоийни идеаллаштиридинг”, деган ноҳақ тўхматга қолиб, тил параличи бўлиб қолди. Абдулла Қаҳҳор кўркув билмасдан “мен партиянинг ер депсиниб турадиган солдати эмасман, балки онгли аъзосиман”, дейди.

Шоир Миртемир “Мажнунтол соясида ўтириб, йиглаганман”, деса, Усмон Носирга Пушкиннинг “Боқчасарой фонтани”ни “бўш”, “зайиф”, “таржима қилганликда айбланиб, миллатчи ёрлиғи ёпиштирилди, Сибирга бадарга қилинди (Шарафиддинов, 2004).

XX аср ўзбек адабиётининг пешво ва пешқадамлари 60 ёш атрофида давр таъқиб ва таҳқир остида юраги эзилиб, ҳаётдан эрта кўз юмганлари ҳам ҳақиқат. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ўзбек шеърятининг янги қарвонини, толиқмай манзилга шахдам қадам билан етаклаб бораётганларида миллий маҳдудликда айбланиб, қаламлари жиловлаб қўйилгани ҳаммага маълум. Шунини айтиш лозимки, ҳамма ижодкорлар ҳам бундай даври замон талаб қилганда қалам тебратмайдилар. Улар орасида ҳақ гапни билиб туриб, билмасликка олиш, ҳақиқатнинг кўзига тик қарашдан чўчиш, ҳайиқиш, мунофиқлик сўқмоқларига кириб олганлар кам дейсизми. Бу ҳақда дostonда ажойиб мисралар бор. Мунофиқ, ношуд-нотавон ижодкорлар эса:

Ҳамма билар,
Инсон эркин-
Яшаш шарт пойдор
Биз ҳам айтсак бўлар,
Лекин

Уйда бола-чақа бор” (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999).

Бу каби шахслар йўлини таъма деган гов тўсиб кўяди. Манфаат амал, мукофот, уларнинг иймони-ақидаси, ижод эса яшаш манбаи холос. Бадиий сўз санъаткори ноҳақ тўхматларга дучор бўлмасин, замонанинг тигига илинмасин, юраги эл-юрт деб хуруж қилмасин, унинг сўзи ёзган асарлари халқнинг мулки бўлиб қолаверади, мангуликка дахлдор бўлаверади. Инсоннинг иймон ва диёнатидан жо олади. Жисми йўқолиши мумкин, аммо руҳи, асарлари оша яшашда давом этади.

Шоирда бор
бир иқбол,
Яъни,

Шоир ўлмайди, дейди Эркин Воҳидов (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999).

Эркин Воҳидовни Назрул Ислон ҳаёти, фожеаси узок вақтдан буён кизиштириб келарди. Шоир ҳаёт йўли билан яқиндан ва тўлиқроқ танишиш мақсадида Ҳиндистон сафарида бўлди. Шоирнинг билган, таниган, учрашганлар билан суҳбатлашди. Дастлабки ёзганлари Назрул Ислон ҳақида маълумотлар баёнидан иборат бўлиб қолди. Шоирнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва тарихи ҳаммага маълум, янгилик айтишнинг имкони йўқ. Муаллиф олдинги иш режаси ва мақсадидан воз кечиб, ҳаёт, ижод, рух ҳақидаги фалсафий қарашларини ҳам қўшиб ифодаладиган бўлди. Натижада дoston фалсафий рух олди.

Назрул Ислон тугилмасдан аввалроқ Ватанидан жудо бўлган, уни оқ кийимли зобитлар бошқарарди. Халқи ва юртдошлари мутеликда, кулликда яшар эди. Шоир тақдирнинг тақозоси билан ижодкор бўлиб етилди. Қадимий ва кўҳна Шарқ услубида ёзишни замона кўтармас, аниқроғи, давр бошқача қалам тебратишни, яъни халқни, оммани ўйғотиш, тафаккурни ўйғотиш, басир Ҳиндистоннинг қалб кўзини очиш, истиқлолни бонг уриб қуйлашни талаб қиларди. У шеърларида “мен исёнкор”, “дунёнинг нотинч қолган руҳиман” деб ёзганди. Бунга зиёлилар норозилик ва нафрат туйғусини қарши қўйиб, танқид остига олдилар. Бу Шарқ анъанавий шеърлятига ёт, қани “гуллар рақси”, “қани булбуллар навоси?”. Исён бузғунликка олиб келади. Шоир сиёсатга аралашини гуноҳи азим дейишади. Ана шу вазиятда босқинчи зобитлар ҳинду ва мусулмон ўртасига нифок солишди, кураш алангасини ёқдилар ва унинг иссигига душманлар исиндилар.

Аммо 1926 йилда Калькутта шаҳрида диний айримачилик ва кудурат аланга олди. Бир томондан ҳинду, бир томондан мусулмон қирпичок бўлишди. Шунда Назрул Ислон оломон ҳузурига кириб, жангу жадални бостирмоқчи бўлди. Ҳинд ҳам, мусулмон ҳам Одам Атодан пайдо бўлган, ака-ука, биродарлардир. Ҳинд бутга, мусулмон меҳробга сажда қилади, фарқ шу. Веда (ҳиндларнинг муқаддас китоби) ва Қуръонда тиг ушлама, хунрезлик қилма дейилган. Ўртадаги жангу жадал халқ манфаатига кўра ижобий яқунланди. Ўзаро низога сабабкор ким бўлганини ғазабнок халқ билмоқчи бўлди Бировнинг отаси, бировнинг акаси-укаси, бировнинг онаси ва синглиси қирғинбарот урушда ҳалок бўлган. Ажнабий зобитлар ва гумроҳ халқ икки халқ орасига нифок солувчи Назрул Ислон дедилар. Оқибат эл учун жон тиккан шоир, эл “душмани” деб гопилди. Асли душман оқ кийган зобитлар бўла туриб, Назрул Ислонга ноҳақ бўхтон қилишдилар. Гумроҳ халқ бунга тамомила ишондилар. Бундай адоват, халқлар ўртасида низо чиқариб, қирпичок уруши бизнинг тарихимизни ҳам четлаб ўтмаган. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида кипчок билан қорачопонликлар ўртасидаги қирғин-барот жанг шулардан биридир. Ўзаро кенгашда Юсуфбек ҳожи шундай дейди: “Мана биродарлар! Сиз кипчоғингиз учун қабр қазиган фурсатда, сизга иккинчилар тобут чопадир. Биз кипчокка қилич кўтарганда, ўрус бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб кипчокни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимизга етган кўраман!” (Йўлдошев, 2008).

Калькуттада диний айирмалик баҳонасида хорижлик зобитлар ҳинду мусулмонлар қонини тўкишидан манфаатдор бўлса, беклик ва амал таъмалида Тошкентда кипчок қони тўкилди. Бундай беҳуда қон тўкишлар ўртадаги нифокчилар, юртдаги босқинчиларга беҳад омонлик-осойишталик келтиради, дейди Эркин Воҳидов.

Эл ичида нифок бўлса.

Демак, золим омондир (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999).

Бир ёнда ҳинду, бир ёнда мусулмон қутқулаб. Назрул Ислонни зиндонга солдилар. Минг хил қийноқ ва чиғирикқа солиб, унга азоб бердилар. У жисман мағлуб бўлса-да, қалби, руҳи озод яшади.

Унинг шеърляти Ҳинд ярим оролини ларзага солди. Ўзи тутқун бўлса-да, шеърляри халқка жумбиш берди, унинг тафаккур кўзини очарди. Бунинг учун Эркин Воҳидов жаҳолатдаги халқ қалб кўзининг очилишига бир ривоят келтиради.

Ривоятда донишманд гиёҳлар воситасида табобат йўлини очиб, эл орасида доврўкка соҳиб бўлади. Шунда кўр кўзини наштаб билан очади, у оламни кўришга муяссар бўлади. Жаҳолатдаги халқ: кўрнинг кўзини очиб, донишманд гуноҳкор бўлди дейишади:

Дард берган

Ўзи!

Давоси ҳам

Ўзидан!

Бандасига бермак дору

Яратганга исёндир (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999).

Жаҳолат боткоғидаги оломон бундай табобатни макруҳ, гуноҳи азим дея донишмандни сазойи қилишади. Куйдиришга ҳукм қилинган донишмандни ёндириш учун савоб талаблар ўтин, чун, хору хас келтирганлар қаторида кўзи очилган жоҳил чол ҳам бор эди. Чол кўзи очилганига шукр қилмасдан аксича донишмандни қоралади, кўзи очилишини беҳуда деб билди. У кўрлиғида дунёда мусаффолик, соддалик, адолат, ҳақиқат бор деб тасаввур қиларди. Кўзи очилгандан кейин кўрдик, бераҳмлик, сохталик, инсон инсонларни махв қилиш, алдаш, ёлғончилик ҳукмронлигини кўрди. Кўзи ожизлиғида одамлар унга чақа ташлаб, кунини ўтказишни саодат деб билади чол. Бундан ғазабга келган донишманд: меҳри гиёҳдан одам шифо топди, олам шифо топмади, кўр кўзини очдим, қалб кўзини очишга ҳунаримнинг кучи-қудрати етмади, дея фарёд чекади. Оловни баланд қилиш, куйиб кул бўлишни илтижо қилади ва шундай ҳам бўлади. Буюк зотга қўйилган оловдан оломоннинг кўзи очилади, йиллар ўтган сари донишмандни хотирлаб, унга олтиндан ҳайкал қўйишади. Бундан лолу ҳайрон бўлган жаҳолатдаги оломоннинг ақл кўзи очилади. Оқибатда хибсадаги Назрул Исломни ҳам озод қилиниб, ҳурматини бажо келтиришади. Шоирнинг жисми на бор эди, ақл-хуши йўқолган. Шу аснода 40 йил яшади. 40 йил ҳам эл ардоғида бўлди. Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар, ихтиролар пайдо бўлди. Аммо уни Назрул Ислом сезмас, ҳис қилмас эди. У ҳиссиз жисми бор, туйғуси йўқ ҳолатда 75 йил яшади. Ҳинд халқига ибрат намунасини кўрсатиб яшади. Унинг шеърояти бутун шарқни уйғоқликка, сезгирликка, огоҳликка чорлаб янграмоқда. Унинг руҳи доим тирик (Йўлдошев, 2008).

Халқ оғзаки ижодиёти ва мумтоз адабиётда умр бокиликка эриштирувчи, ўлмаслик, ўликни тирилтириш хусусиятга эга тимсол ва поэтик образлар халқнинг орзу армонининг рўсби сифатида талқин қилинади. Шулардан энг сероб қўлланиладиган оби ҳаётдир. Эркин Воҳидов оби ҳаётнинг муқобил маъносига оҳорий мазмун-моҳиятни тоғишга муяссар бўлган.

“Абадият ҳақида ривоят”да оби ҳаётни ичган одам минг йил азобу уқубатда яшаган, ўлиб-ўлолмайди, ўзини қумларга кўмади, ўлишнинг иложи йўқ. У ўзи танҳо қолади, танҳолик дунёдаги энг кучли азобу уқубат. Бу ривоят Назрул Ислом ҳаётига бевосита дахлдордир. Биринчидан, минг йил бесамар яшагандан кам яшабҳаётда из қолдирган. Назрул Ислом 32 ёшида Ҳиндистон ярим оролини оёққа турғизган, оломоннинг қалб кўзини очган, тафаккурига инқилоб ясашга муяссар бўлган. Иккинчидан, оби ҳаёт ичган шахс ўлимнинг иложини тополмайди, ҳатто ўзини тирик ҳолда гўрга кўмса ҳам ўлимдан дарак йўқ. Назрул Ислом ҳам зиндонда ётганда, Оллоҳга “ҳаётимга барҳам бер” деб ялинади, ёлворади, азобдан ўлимни раво кўради, аммо тирик мурда бўлиб, зиндонда ётади. Ривоят Назрул Ислом образини тўлдиради.

“Фидойилик ҳақида ривоят”да ҳиндларда эр ўлса хотин ҳам кўшиб куйдирилган. Жангга кетаётган баҳодир отини шох ҳузурига буриб, “мен жангга кетаётирмен: ўлим кутаётир, ўлсам болаларим онадан ҳам етим қолмасин”, дея илтижо қилади. Баҳодирнинг илтижоси қондирилади, аммо жангчи ота-боболар удумига исён қилди, уни халқ лаънатладилар. Баҳодир ўлди, қабри таҳқирланди. Аммо фидойилик рамзи бўлиб, ном қозонди. Ривоят ниҳоятда ибратли. Ота-боболарнинг ноқис, яроксиз удумига таҳрир киритди. Шунинг учун баҳодирнинг умри фидойиликка дахлдордир (Йўлдошев, 2008).

“Олий руҳлар тўғрисида нақл” ҳикояти ҳам Назрул Ислом фожиавий ҳаётига оиддир. Руҳларни кўрмасакда, улар бизни кўрармиш. Олий руҳлар бизни ёмон йўлдан қайтарар, эзгулик ишларга бошлармиш. Олий руҳлар ҳаммага ҳам эмас, иймонли, эътиқодли, пок дилларга раҳнамолик қилгани учун ҳам Назрул Ислом руҳини ўзлари билан олиб кетган эмиш. Руҳларга ишониш эътиқод. Бу нақлнинг чўққи нуқтаси куйдаги байтда ифодаланган:

Яшамоқдан эътиқодсиз,

Ортик ерда гуноҳ йўқ (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999).

Шоирнинг бу байти бутун инсоният қалбига тўлиғича ҳос ва ибратдир.

Достонда “Зоҳидлар ва орифлар ҳақида ҳикоят” берилганки, зоҳиди ориф борасида минг йиллардан буён баҳс боради. Уни шоир бадий тилда раво, асосий моҳиятини аниқ, мухтасар қилиб ифодалашга муяссар бўлган. Зоҳид тирикликда ўлим шаробини ич дейди, ориф эса ваҳдат (бирлашиш) майини ичиб, шавққа тўл дейди. Ҳикоятнинг ҳулосаси шуки, орифлар шоир бўлди, шоирлар орифдир.

Достонда бобурийлар тарихидаги қора ва ёрқин нуқталари ҳам қаламга олинган. Қора нуқтаси шох Жаҳоннинг ўғли Аврангзеб-Оламгирнинг жоҳиллик тарихи, ёрқин нуқтаси Шох Жаҳоннинг ўз рафиқаси Мумтоз Маҳал муҳаббати шарафига қурилган Тоҷмаҳалдир. Унинг тавсифи ҳақидаги мумтоз сатрлар битилган.

Ҳавас қилсин кечалари ой.

Кундузлари офтоб

Ер юзида унинг асло

Баробари бўлмасин (XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 1999).

Шоҳ Жаҳон сўнгги йилларда барча салтанатдан юз ўгириб, хавф-хатар, шубҳа билан яшарди. Шарпа ҳам унга катта хатардек эди. Унга дилписандлик, кўнгилни овлашни факат Мумтоз Маҳал “Минг бир кеча”даги Шаҳризода сингари ҳикоят ва ғазаллар айтиб юпанч берарди. Мумтоз Маҳалнинг вафоти гўё шоҳ Жаҳоннинг кўлидан жом тушиб, чил-чил бўлгандай эди. Шу аснода унинг учинчи ўғли Аврангзеб тахтни эгаллаш борасида ҳаракат бошлайди. 19 ёшли ака-укасини қатлга етказди. Ота зиндонбанд қилинади. Эркин Воҳидов ота ва ўғил ўртасидаги тахт можаросига тўғри ечим топади. Шарқда асрий удум шоҳ ўзи тахтидан ўз хоҳиши билан кечмаган, бу табиий. Аврангзеб ўз отасига “Маслаҳатгўй бўлиб қолгин, ҳузуримда умрбод”, дея тақлиф қиритади. Шоҳ Жаҳон ўтмиш ва замондош шоҳлар сингари тахт ворислигидан кечолмайди. Шоир шоҳ ва шаҳзодаларнинг тахт талашига ана шундай тўғри ва мулоҳазаларини ўртага қўйиб, бу борадаги хатоликларга охириги нукта қўймоқчи бўлади. Аслида шундай бўлгани маъқул. афсуски. тахт, салтанат ишқи ҳукмронлик қилган. Аврангзебнинг қора доғининг давоми гўзал ва шоира кизи Зебунисо муносабатида янада кучли кўринади. Аврангзеб ўғли Акбаршоҳнинг тахт учун курашда айблайди. Бунда Зебунисо тарафқашлик қилган деб тушунади. Окибат қизига Дехлидаги Салимгарҳи кўргонида дониний сақланишига буйруқ беради. Зебунисо шоҳу шаҳзодалардан келган совнчларини рад қилади.

Ҳаётда у хушсурат ва хушхулқ Сулаймоншоҳ исмли йигитни севган. Аммо жохил ота уни беғуноҳ ҳолда қатл қилдиради: Зебунисо ҳаётдан қўл силтайди, турмуш қуриш ниятидан абадий воз кечади. Зебунисо ўз замонининг забардаст шоири, илм-фан борасида етук тафаккур соҳиби бўлган. У Абдуқодир Бедил билан 15 йил мулоқотда бўлган, ундан шеърий сир синоатларидан таълим олган. Бедилдан ўрганиш, унинг билан мулоқот қилиш учун етарли илмий ҳофиза талаб қилинган. Бунга Зебунисода иктидор етарли эди. 8 минг мисрадан иборат катта девон тузган, 7 та қасида. 5 таржебанд битган. Унинг ғазалларида даврнинг нафаси, ижтимоий ноқосликлари. нотенгликлари, давлат арбоблари билан фуқаро ўртасидаги кучли зиддиятлар ифодаланган. Ўзининг тортган жабри, тутқинлигини жамият ҳаётига тўлиқ нисбати берган ижтимоий-фалсафий мисралар битган.

Хулоса. Таълим тизимидаги ўқув дастурлар ва адабиётларга Зебунисо ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мавзуларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Тўғри, ғазаллари форс тилида яратилган, бу таълим дастурига киритилишига монелик қилмайди. Шоир Жамол Камол инглиз тилидан Шекспирни ўзбек тилига ўгирганини хотирга келтирсак, форс тилидан ўзбек тилига ўгириш осон кечишини эслатмасак ҳам бўлади. Бу тақлиф. Агар тақлиф эътиборга олинса. бобурийлар сулоласининг яна бир ёрқин таланти ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

“Рухлар исёни” қаҳрамонлик, фалсафий ва фожиавий дoston бўлиб қолмай, тарихий сабоқ ва ибрат дostonи ҳамдир. Ундаги Назрул Исом сиймоси баҳонасида китобхон тарихнинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқариб олишга даъват ҳам қилади.

Адабиётлар рўйхати:

Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: “Шарк”, 2004. – 244 б.

Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: “Янги аср авлоди”. 2008. – 224 б.

XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”. 1999. – 448 б.

Аннотация

ЭРКИН ВОҲИДОВ - ДОСТОННАВИС

Ҳ.Мирхайдаров

Мақолада Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” дostonи қаҳрамонлик, фожиавийлик, фалсафий, шунингдек унда рухнинг инсон психологиясидаги тутган ўрни таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: дoston, қаҳрамонлик, фожиавийлик, фалсафий, рух, инсон психологияси.

Аннотация

ЭРКИН ВАХИДОВ - РОМАНИСТ

Х.Мирхайдаров

В статье анализируется героизм, трагедия, философия, а также роль духа в психологии человека в поэме «Восстание бессмертных» Эркина Вахидова.

Ключевые слова: эпос, героизм, трагедийность, философский, дух, человеческая психология.

Summary

ERKIN VAKHIDOV AS A NOVELIST

Kh. Mirkhaydarov

The author of the article presents the analysis of heroism, tragedy, philosophy, and the role of human spirit in human psychology depicted in the poem by Erkin Vakhidov “The Riot of the Immortal”.

Key words: epic poem, heroisms, tragical, philosophical, spirit, human psychology.